



# YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/3



# MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ  
NAZARIYASI VA TARIXI. HUQUQIY  
TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 **ISMOILOV BEKJON SALHOVICH**  
Nogironligi bo'lgan shaxslar huquqlarini  
ta'minlashda xorijiy tajriba va milliy qonunchilikni  
takomillashtirish istiqbollari

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY  
HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ.  
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 17 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ АБДУРАСУЛОВИЧ**  
Солиқ интизомини бузганлик учун  
молиявий жавобгарлик
- 24 **БАБАДЖАНОВ АТАБЕК  
ДАВРОНБЕКОВИЧ**  
Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик  
органлари шаклланишида сиёсий партиялар  
иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.  
TADBIRKORLIK HUQUQI.  
OILA HUQUQI.  
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 33 **БОЗАРОВ САРДОР  
СОХИБЖОНОВИЧ**  
Стратегии и перспективы развития  
искусственного интеллекта в мире и Республике  
Узбекистан: сравнительный анализ
- 46 **УСМОНОВА МУНИСХОН  
ЙЎЛДОШ ҚИЗИ**  
Фуқаролик муносабатларида жисмоний  
шахс иштирокининг нормал ҳолатини  
таъминловчи юридик мезонлар тавсифи
- 54 **БАБАКУЛОВ ЗАФАР  
КУРБОННАЗАРОВИЧ**  
Киберсквоттинг – товар белгиларини  
ноқонуний ўзлаштиришда янги хавф (илмий  
ва амалий таҳлил)

12.00.04 – FUQAROLIK  
PROTSESSUAL HUQUQI.  
XO'JALIK PROTSESSUAL HUQUQI.  
HAKAMLIK JARAYONI VA  
MEDIATSIYA

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.  
IJTIMOIY TA'MINOT HUQUQI

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI,  
HUQUQBUZARLIKLARNING  
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.  
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

67 **САИДМАВЛОНОВА ГУЛАСАЛХОН  
САИДАКРАМХОН КИЗИ**

Перспективы применения зарубежного  
опыта правового регулирования  
инвестиционных отношений в Республике  
Узбекистан

77 **ҚУТЛИМУРАТОВ ФАРХАД ҚАЛБАЕВИЧ**

Қайта ташкил этилаётган юридик шахс  
кредиторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш  
механизмларининг умумий тавсифи

86 **ХУДОЙНАЗАРОВ ДАДАХОН АБАЗ ЎҒЛИ**

Низоларни судга қадар ҳал этиш усуллари:  
миллий ва хорижий тажриба

93 **ХОЖАБЕКОВ МУФТУЛЛА  
ЖОЛМУРЗА ЎҒЛИ**

МДХ мамлакатлари қонунчилиги мисолида  
ўриндошлик асосида ишлашнинг қиёсий  
таҳлили

103 **УРАЗАЛИЕВ МУРОД КОРАЕВИЧ**

Причины и условия преступлений,  
связанных с наркоманией

112 **ТОШПУЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**

Жиноят-ҳуқуқий принципларни тадқиқ  
қилишда умумилмий методларнинг  
қўлланилиши

121 **ДЖАЛИЛОВ ФУРКАТ ЗАКИРОВИЧ**

Давлат хизматчисининг қонунга ҳилоф  
мулкый манфаатдорлиги билан боғлиқ  
жиноятлар субъектига доир нормаларни  
такомиллаштириш масалалари

- 127 **САГДУЛЛАЕВ ФАТХУЛЛА ШУКРУЛЛАЕВИЧ**  
Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан  
четга чиқиш учун жавобгарлик белгиловчи  
жиноят қонунчилиги нормаларининг  
ривожланиши тенденциялари
- 

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.  
KRIMINALISTIKA,  
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA  
SUD EKSPERTIZASI

- 135 **ТАШЕВ АЗИЗБЕК ИБРАГИМОВИЧ**  
Понятие и значение института отведения  
несовершеннолетних от системы правосудия
- 

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA  
NAZARIYASI VA METODIKASI  
(SOHALAR BO'YICHA)

- 143 **JUMANIYOZOVA NURIYA AHMEDOVNA**  
Tilshunoslikda yuridik diskurs o'rganilishi:  
maqsad va vazifalari
-

UDC: 342.9(575.1)  
ORCID: 0000-0002-3924-5182

## СОЛИҚ ИНТИЗОМИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МОЛИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИК

**Эргашев Икром Абдурасулович,**  
Тошкент давлат юридик  
университети мустақил изланувчиси,  
доцент, юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD),  
e-mail: ikromabdurasulovich@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатимизда солиқ соҳасидаги қонун бузилишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борада соҳа қонунчилигини тегишлича такомиллаштиришнинг ижобий самараси асосида келгусида юзага келиши мумкин бўлган солиқ соҳасидаги қонун бузилишларнинг миқдор жиҳатидан камайиши асосланган. Солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш солиқ сиёсати устуворлигига айланиши лозимлиги ҳамда бунга солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ мониторинги ва назоратини амалга оширишнинг замонавий усуллари жорий этиш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш кабиларни ҳаётга татбиқ этиш орқали эришилиши таҳлил қилинган. Шунингдек, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарлик борасидаги вазифаларни ҳал қилиш муҳим эканлиги таҳлил этилган. Ўзбекистонда солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарликнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ агенти, солиқ интизومي, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ тизими, мажбурият, ҳуқуқбузарликлар, солиқ турлари, мажбурий тўловлар, солиқ мажбурияти, солиқ тўловчи, жавобгарлик, молиявий жавобгарлик, юридик жавобгарлик.

## ФИНАНСОВАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ НАЛОГОВОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

**Эргашев Икром Абдурасулович,**  
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент,  
независимый исследователь  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье анализируется проводимая в нашей стране работа по предупреждению, выявлению и устранению нарушений в налоговой сфере, а также количественному сокращению количества нарушений, которые могут произойти в будущем. Предупреждение преступности является приоритетом политики государства. Это может быть достигнуто за счет повышения правовой культуры налогоплательщиков, внедрения современных методов налогового мониторинга и контроля, осуществления комплексной помощи налогоплательщикам в выполнении налоговых обязательств. Прилагаются активные усилия для создания справедливой и прозрачной налоговой системы для всех налогоплательщиков и приведения ее в соответствие с международными стандартами, а также для упрощения налогового администрирования, устра-

нения несоответствий в налоговом законодательстве и усиления защиты прав и законных интересов налогоплательщиков. Исследован вопрос о финансовой ответственности за нарушение налоговой дисциплины и подчеркнута важность его решения. По результатам исследования разработаны предложения по совершенствованию правовой базы финансовой ответственности за налоговые правонарушения в Узбекистане.

**Ключевые слова:** налоговый агент, налоговая дисциплина, налоговое администрирование, налоговая система, ответственность, налоговые нарушения, виды налогов, обязательные платежи, налоговое обязательство, налогоплательщик, ответственность, финансовая ответственность, юридическая ответственность.

## MATERIAL LIABILITY FOR VIOLATION OF TAX DISCIPLINE

**Ergashev Ikrom Abdurasulovich,**

Independent Researcher,  
Associate Professor, Doctor of Philosophy in Law (PhD),  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** The article is devoted to the measures implemented in our country to prevent, identify and eliminate tax violations, as well as to identify and eradicate and quantitatively reduce the number of violations that may arise in the future in connection with the positive effect of the corresponding improvement of legislation in this area. It is necessary that prevention of tax violations should become a priority of tax policy. It is analyzed that this is achieved by increasing the legal literacy (culture) of taxpayers, introducing modern methods of tax monitoring and control, as well as providing comprehensive assistance to taxpayers in fulfilling tax obligations. The importance of resolving the issue of material liability for violation of tax discipline has been analyzed. Proposals to improve the legal framework for bringing to material liability for violation of tax discipline in Uzbekistan have been developed.

**Keywords:** tax agent, tax discipline, tax administration, tax system, obligation, tax violations, types of taxes, obligatory payments, tax obligation, taxpayer, liability, material liability, legal obligation.

### Кириш

Пандемия шароитида солиқ тизимини такомиллаштиришнинг асосий нуқтаси солиқ интизомини мустаҳкамлаш муаммоси бўлиб, унинг ҳолати ва муҳим таркибий қисми – солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича жисмоний ва юридик шахслар мажбуриятларининг тўғри бажарилиши билан белгиланади.

Айнан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли солиқ тўловчи айрим ҳолларда давлат олдидаги мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайди ва баъзи ҳўжалик юритувчи субъектлар давлат бюджетини шакллантиришда иштирок этишдан атайин қочишади.

Erich Kirchler, Erik Hoelzl, Ingrid Wahl [1] каби олимлар солиқ интизоми солиқ ор-

ганлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатга боғлиқлиги, агар улар ўртасида “полиция ва ўғри” муносабати бўлса, солиқчилар солиқ тўловчиларни доим “ўғри” сифатида солиқ тўлашдан бўйин товлаши ва текшириб туриш лозим деб ҳисоблайди. Солиқ тўловчилар эса солиқ органлари (полиция) томонидан доим таъқиб остида бўлганлиги учун яширинишга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида ҳурмат ёки ижобий муносабат бўлмайди, аксинча, солиқ тўловчи “рационал ўлчов”, яъни солиқдан бўйин товлашнинг даромоди ва харажатларини ўлчаб кўриш принципида ишлайди. Ушбу назария вакиллари солиқ органлари ва солиқ тўловчилар “хизмат ва мижоз” принципида ишлаши лозимлиги, солиқ органи солиқ тўловчи-

ларга хизмат кўрсатиши, натижада солиқ тўловчилар солиқ тизимининг адолатли ишлаётганлиги ва ишонганлиги сабабли солиқларни ихтиёрий тўлашга ўтишини таъкидлайди. Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий тўлаш принципи харажатли бўлган солиқ текширувларини камайтириши ҳамда “текширувчиларни текшириш” каби ортиқча харажатлардан воз кечишга олиб келишини айтишади.

Солиқ муносабатлари мамлакатимизда қатор қонунлар билан тартибга солиниб, уларга амал қилмаслик солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, унга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва бартараф этишни қонунчилик институти орқали амалга ошириш лозимлигини тақозо қилади.

Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, адабиётларда солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жавобгарликнинг ҳуқуқий табиати масаласи юзасидан турли илмий-назарий қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ хорижий ҳуқуқшунос олимлар молиявий жавобгарликни маъмурий жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида кўрсатиб ўтишган. Айримлари эса молиявий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг мустақил кўриниши сифатида ифодалашган [2].

Таъкидлаш жоизки, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар давлат бюджетига, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиб, хуфиёна иқтисодиёт кўринишида содир этилади. Хуфиёна иқтисодиёт эса қонуний фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчилар, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ва молиявий манфаатларига зид равишда амалга оширилади [3].

Р.Т. Бердияров ва З.Н. Қурбоновлар мазкур тушунча хусусида фикр билдириб, жумладан, молиявий жавобгарлик давлат мажбурловининг алоҳида чораси бўлиб, солиқ муносабатларини бюджетни шакл-

лантириш ва ижро этиш бўйича юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнида қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг бир тури дея ифодалашган [4].

Жавобгарликнинг бу турини юридик жавобгарликнинг бевосита алоҳида тури сифатида эътироф этиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг алоҳида мустақил тури сифатида кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий жавобгарликнинг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтишимиз мумкин:

*биринчидан*, молиявий жавобгарлик – молиявий-ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижасида юзага келади;

*иккинчидан*, давлат томонидан ўрналади ва ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслари) томонидан қўлланилади;

*учинчидан*, жавобгарликнинг мазкур тури учун молиявий санкциялар (жарима ва пенялар)ни қўллаш назарда тутилади;

*тўртинчидан*, жавобгарликнинг мазкур тури учун жазо чораси процессуал тарзда амалга оширилади.

Шунга мувофиқ, мазкур тушунчага қуйидагича таъриф беришни лозим топдик, яъни солиққа оид ҳуқуқбузарлик – бу солиқ муносабатлари иштирокчиларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши оқибатида молиявий санкциялар назарда тутилган, қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилувчи айбли, ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

В.И. Гуреев ва Л.В. Терноваларнинг фикрича, молиявий жавобгарлик бу – солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиққа оид қонунчиликни бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар бўлиб, бу, энг аввало, сўзсиз қарздорликни ундириш, яширилган ёки камайтириб кўр-



сатилган солиқларни ундириш, шунингдек, санкция тариқасида пеняни ҳам келтириб ўтади [5].

Фикримизча, В.И. Гуреевнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки солиқлар бўйича ундириладиган қарздорликлар молиявий жавобгарлик чораси ҳисобланмайди, шунингдек, ушбу суммалар давлатга ҳар бир шахснинг конституциявий бурчи, яъни солиқ сифатида тўлаши лозим бўлган мажбуриятдир.

Gary S. Becker фикрига кўра, рационал солиқ тўловчининг асосий мақсади молиявий маблағларини кўпайтириш ҳисобланади. Шу сабабли текшириш хавфи ва жазони ҳисоблаб кўриб, солиқ ҳуқуқбузарлигидан доимий даромад олишга интилади. Шунинг учун солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтириш ва солиқ тушумини оширишнинг энг маъқул усули солиқ текширувларининг юқори эҳтимоллиги ва аниқланган ҳуқуқбузарлик учун юқори жарималар эканлигини таъкидлайди. Соддароқ айтганда, солиқ текшируви ва жарималар солиқ интизоми ва бюджет тушумини кафолатлашини қайд этади [6].

Powerful authority and trustful taxpayers назарияси вакиллари Katharina Gangl, Eva Hofmann, Barbara Hartl ва Mihály Berkicsларнинг фикрига кўра, солиқ органи солиқ тушуми ва интизомини таъминлашда иккита ёндашувдан фойдаланади: биринчиси – ҳокимият ёндашуви ва иккинчиси – ишонч ёндашуви. Ҳокимият ёндашуви (бошқарув, назорат ва ушлаб туриш деб ҳам аталади) доимий солиқ текшируви ва солиқдан бўйин товлаш ҳолатларида оғир жарималар тайинлашга асосланади. Ишонч ёндашуви эса шаффофлик, адолатли жараён ва солиқ тўлаш ижтимоий бурч эканлигига ишонтиришни ифодалайди [7].

Умуман олганда, солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этган шахс айбини аниқлашда қонун ҳужжатларидаги барча ҳолатлар эътиборга олинishi зарур. Шахс-

нинг солиққа оид ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик масаласи кўриб чиқиладиганда эса қуйидагиларга эътибор қаратишни лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлиги;

иккинчидан, ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаган ҳолда, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилиш;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ва ҳоказо.

Молиявий жавобгарликни таъминлаш чораларидан бири молиявий санкциялардир. Молиявий санкцияларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ҳуқуқий табиатини очиб беришга бир қатор олим ва мутахассислар ўз тадқиқот ва илмий изланишларида эътибор қаратишган. Жумладан, хорижий ҳуқуқшунос олимлардан А.В. Андреевнинг фикрича, молиявий-ҳуқуқий санкциялар – давлат мажбурлов чорасини ўзида ифодалаган ҳуқуқий норманинг бир қисми бўлиб, давлат пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади, шунингдек, ҳуқуқбузарликни огоҳлантириш ва у орқали етказилган зарарни бартараф этиш мақсадини кўзлайди [8].

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби хусусида қоидалар белгиланган. Унга кўра, молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик бўлиб, белгиланган миқдорларда пул ундириш (жарималар) тарзида қўлланилади [9].

Молиявий санкциялар қуйидаги белгиларга эга:



– молиявий жавобгарликни таъминлаш чораси;

– тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ равишда содир этилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланади;

– пул ундириш (жарима) тарзида қўлланади.

Таъкидлаш лозимки, молиявий санкциялар тадбиркорлик субъектларининг қонунларга риоя қилишига, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлашга муҳим таъсир кўрсатади. Яъни уларнинг айрим раҳбарларида қонунларни менсимасликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка мойиллик туйғуларига барҳам бериш чораси сифатида кўринади.

Солиқдан бўйин товлаш назарияси (Tax evasion theory) вакиллари Michael G. Allingham ва Agnar Sandmo таъкидига кўра, даромадлар тўғрисида декларация топшириш қарори ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш ҳисобланади. Чунки даромадлар тўлиқ тақдим этилмаганда, солиқ органлари автоматик жарима жавобини қайтармайди. Солиқ тўловчида иккита қарордан бирини танлаш имкони бўлади: 1) тўлиқ даромадни кўрсатиш; 2) даромадни кам кўрсатиш. Агар иккинчи қарорни танласа, солиқ органи томонидан текширув ўтказилиши омадига боғлиқ бўлади, агар текширув ўтказилмаса, унинг ҳолати биринчи қарордан кўра анча яхши бўлади. Агар текширув ўтказилса, у анча ёмон ҳолатда қолади. Ушбу назария текширишнинг эҳтимолий эканлиги сабаб солиқ тўловчи доим икки қарордан бирини “қимор ўйини” каби танлаши, қарор эса солиқдан қочишнинг аниқланиш эҳтимоли ва аниқланганда, жазонинг миқдorigа боғлиқ бўлишини назарий исботлайди [10]. Аниқроқ айтганда, ушбу назариянинг моҳияти солиқ тўловчи юқоридаги икки қарордан бирини доим танлайди, доим алдайди ва шу сабабли солиқ органлари текширув ўтказиб туриши лозимлигида ифодаланади.

Бугунги кунда демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган изчил ислохотларни амалга оширишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни либераллаштириш муҳим ўрин тутар экан, бунда, аввало, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарлик тизимининг чуқур илмий-концептуал асосларини ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликка сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

### Хулосалар

Шунга мувофиқ, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарлик тизимини илмий тадқиқ этиш ҳамда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ҳамда тавсиялар берилади.

Биринчидан, солиқ муносабатлари мамлакатимизда қатор қонунлар билан тартибга солиниб, уларга амал қилмаслик эса солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 210-моддасида солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасига таъриф берилган ва у, ўз навбатида, солиққа оид жавобгарликнинг фактик асосидир. Аммо амалдаги Солиқ кодексида унинг ҳуқуқий мазмуни келтирилмаган. Бизнингча, амалдаги кодексда унга қуйидагича таъриф берилган ҳолда мазмуний ифодаси келтирилиши лозим. Яъни солиққа оид ҳуқуқбузарлик – бу солиқ муносабатлари иштирокчиларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши оқибатида молиявий санкциялар назарда тутилган, қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилувчи айбли, ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Иккинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишда инсон

омилини камайтириб, унинг шаффофлигини таъминлаш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, солиқ ҳисоботларини тақдим этмаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари орқали аниқланиб, солиқ органлари томонидан соддалаштирилган тартибда электрон тарзда (*электрон қарор чиқариш ва солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юбориш*) кўриб чиқиш тизимини жорий этиш лозим.

Учинчидан, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддасига (ушбу Кодекста қўлланиладиган бошқа тушунчалар) молия-хўжалик фаолияти тушунчасини белгиловчи қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ:

60-модда. Ушбу Кодекста қўлланиладиган бошқа тушунчалар.

“Молия-хўжалик фаолияти” атамаси остида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади”.

Тўртинчидан, солиқ кодексига “Айблик шакллари” деб номланган 210<sup>1</sup>-моддани киритиш ва ушбу моддада ҳуқуқбузарликнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигини белгилаб бериш лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жавобгарликка тортишни тавсифловчи

хусусиятлар қуйидагиларда намоён бўлади деб ҳисоблаймиз:

– тегишли жавобгарлик чоралари барчага нисбатан бирдек қўлланилади;

– уларга нисбатан тегишли жавобгарликнинг қўлланилиши соҳа қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, солиқларни тўлаш интизомига риоя этишга қаратилади;

– тегишли жавобгарлик учун белгиланган тартибдаги давлат мажбурлови чоралари махсус ваколатли давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ёки суд томонидан қўлланилади;

– тегишли жавобгарлик учун белгиланган давлат мажбурлови чораларининг асосий мақсади солиқ қонун ҳужжатларига қатъий амал қилишни, солиқлар ва йиғимларни давлат бюджети ҳамда белгиланган мақсадли жамғармаларига тўлиқ, ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

– тегишли жавобгарлик учун белгиланган давлат мажбурлови чоралари қўллашнинг асосий тартиби маъмурий ва жиноий-процессуал нормаларда белгилаб қўйилганлиги ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ижтимоий муносабатлар ривожига муносиб тарзда солиқ қонунчилиги нормалари такомиллаштирилар экан, бу орқали солиқ тўловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққий этишига эришилади.

## REFERENCES

1. Kirchler E., Hoelzl E., Wahl I. Enforced versus voluntary tax compliance: The “slippery slope” framework. Article. Faculty of Psychology, University of Vienna, Universitaetsstrasse 7, A-1010 Wien, Austria. Journal of Economic Psychology, 2008, no. 29, pp. 210–225.
2. Hojiyev E.T. Soliq qonunchiligini buzganlik uchun yuridik javobgarlik. Monografiya [Legal liability for violation of tax legislation]. Tashkent, 2006, pp. 77–78.
3. Jo'rayev A.S., Ortiqov N.A. Soliq huquqi asoslari. O'quv qo'llanma [Fundamentals of tax law. Study guide]. Tashkent, Ilm ziyo Publ., 2012, p.121.

4. Berdiyarov R.T., Qurbonov Z.N. Soliq huquqi. O'quv qo'llanma [Tax law. Study guide]. Tashkent, Lawyer-media center, 2010, p. 237.
5. Kumacheva S.Sh., Gubar E.A. Evolutionary Model of Tax Auditing. Contributions to Game Theory and Management, St.Petersburg State University, 2015, vol. 8, pp. 164–175.
6. Arslanbekova A.Z. Finansovo-pravovye sankcii v sisteme mer juridicheskoy otvetstvennosti. Dis. dok. jurid. nauk [Financial and legal sanctions in the system of legal liability measures. Dissertation of Doctor of Laws]. Saratov, 2009, p. 276.
7. Becker G.S. Crime and Punishment: An Economic Approach. Article. Journal of Political Economy. The University of Chicago Press, 1968, Mar. - Apr., vol. 76, no. 2, pp. 169–217.
8. Gangl K., Hofmann E., Hartl B., Berkics M. The impact of powerful authorities and trustful taxpayers: evidence for the extended slippery slope framework from Austria, Finland, and Hungary. Policy Studies, no. 41 (1), pp. 98-111. DOI: 10.1080/01442872.2019.1577375-.P98-99/.
9. Andreev A.V. Finansovo-pravovye sankcii. Dissertacija kand. jurid. nauk [Financial and legal sanctions. Dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 1984, p. 48.
10. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi [National Legislative Database]. 31.12.2019, no. 02/19/CK/4256; 11.03.2020, no. 03/20/607/0279, 05.10.2020, no. 03/20/640/1348; 09.11.2020, no. 03/20/646/1488; 02.12.2020, no. 03/20/652/1581; 04.12.2020, no. 03/20/653/1592; 31.12.2020, no. 03/20/659/1681; 29.04.2021, no. 03/21/689/0395.
11. Allingham M.G., Sandmo A. Income tax evasion: a theoretical analysis. Article. University of Pennsylvania, Philadelphia, USA and The Norwegian School of Economics and Business Administration, Bergen, Norway. North Holland Publishing Company. Journal of Public Economics, 1972. no. 1, pp. 323–338.
12. Richardson M., Sawyer A.J. A Taxonomy of the Tax Compliance Literature: Further Findings, Problems and Prospects. Article in Australian Tax Forum. 2001, June, pp. 145–149.
13. Luk'janenkov M.V. Nalogovaja disciplina kak jelement social'no otvetstvennogo povedenija gosudarstva, biznesa i grazhdan [Tax discipline as an element of socially responsible behavior of the state, business and citizens]. Izvestija vysshix uchebnyh zavedenij – Proceedings of higher educational institutions. Social Sciences, Volga district, 2007, no. 3.
14. Nalogovaja gramotnost' naselenija – faktor stabil'nosti investicionnogo potentsiala jekonomiki strany. Kollektivnaja monografija. Pod red. D.N. Suleymanova [Tax literacy of the population is a factor in the stability of the investment potential of the country's economy. Collective monograph. Ed. D.N. Suleimanov]. Moscow, MNI, 2017, 266 p.
15. Gangl K., Hofmann E., Hartl B., Berkics M. The impact of powerful authorities and trustful taxpayers: evidence for the extended slippery slope framework from Austria, Finland, and Hungary. Policy Studies, no. 41 (1), pp. 98-111. DOI: 10.1080/01442872.2019.1577375/.
16. Becker G.S. Crime and Punishment: An Economic Approach. Journal of Political Economy. The University of Chicago Press, 1968, Mar. – Apr., vol. 76, no. 2, pp. 169–217.
17. Kirchler E., Hoelzl E., Wahl I. Enforced versus voluntary tax compliance. The “slippery slope” framework. Faculty of Psychology, University of Vienna, Universitaetsstrasse 7, A-1010 Wien, Austria. Journal of Economic Psychology, 2008, no. 29, pp. 210–225.
18. Nugent D.A. Legislating Morality: The Effects Of Tax Law Complexity On Taxpayers' Attitudes. Robert Morris University, USA. The Journal of Applied Business Research, 2013, September-October, vol. 29, no. 5.
19. Rossijskaja gazeta [Russian newspaper]. Available at: <https://rg.ru> (accessed 23.05.2021).
20. Administrativnaja jurisdikcija nalogovyh organov. Uchebnik. Pod red. M.A. Lapinoj [Administrative jurisdiction of the tax authorities. Textbook. Ed. M.A. Lapina]. Moscow, VGNA of the Ministry of Finance of Russia, 2012.